

МАҲМУД ЙЎЛДОШЕВ

ҚАЛБИМ СИРЛАРИ



МАҲМУД ЙЎЛДОШЕВ

ҚАЛБИМ СИРЛАРИ

ТЎРТЛИКЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент - 2006

© М. Йўлдошев, 2006 й.

Фарғона ш. «Полипресс» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди. Адади 1000 нусха. Буюртма № 22/06

МАҲМУД ЙЎЛДОШЕВ

ҚАЛБИМ СИРЛАРИ

ТЎРТЛИКЛАР

1

Аввало онангни ҳурмат қил, деди,
Ва яна онангни ҳурмат қил, деди.
Отам ҳаққи мени тутар-ку, десам,
Ҳа, майли, отангни ҳурмат қил, деди.

2

Агар олий тафаккурдан ташланса нигоҳ,
Табиатда ҳар бир инсон шоирдир азал.
Ҳеч бўлмаса ишқ куйида ургандир бир оҳ,
Ёзмаса ҳам умр бўйи бирон банд ғазал.

3

Адирларда баҳор акси, юрт акси,
Қирларда янграйди кушлар навоси.
Қалбимда юртимни куйламоқ ҳисси.
Ягона Ватаним қалбим маъвоси.

4

Аёллар ичида ўта ҳаёли,
Ғиркўкни кўшқанот қилар ҳаёли.
Ватан, деб Туркистон дардида ёниб.
Яна Тўмарис бўл, Шарқнинг аёли.

5

Аёқим кўлингда куйгил бодани.
Мен ҳам бўлай сендек гулнинг ҳамдами,
Ҳаёт бода берса, гул бўлса кафан,
Жаннат шу эмасми. қоларми ками.

6

Айбдорман ҳар сафар шароб ичганда,
Айбим йўк хоҳишдан ўзга бир қатра.
Хоҳиш ва шаробни ўзи яратиб,
Нечун айбни бизга кўяди унда.

7

Айланма ҳаётнинг асосиман мен,
Кеча тупрок эдим бугун гиёҳ мен,
Эртага бир кўйнинг оғзида кетсам,
Индинга одаму яна саёқ мен.

8

Амирлар ўтдилар замон талашиб,
Фақирлар ўтдилар йўлдан адашиб,
Бу ўтмиш очунни кузатсам агар.
Улар ётишмоқда бирга қалашиб.

9

Арбоб аччигига дучор бўлмагин.
Ёлғиз товугинг ҳам ҳаром ўлмасин.
Нақадар омонат молинг ва жонинг,
Уларнинг ҳеч бири завола бўлмасин.

10

Арбоб аччик қилса. мол талафотда,
Нафақат мол кетар, жон талафотда.
Бу дунё, у дунё арбобдан кўрқиб,
Яшамок оғир-ку бу хурофотда.

11

Арши аъло деган афсона экан,
кўрғондан бошланар, аслида, Ватан.
Ҳам савол, ҳам жавоб ғаддор ташвиши.
Ўзингни топмайсан излаган билан.

12

Аслида боболар номлари улуг
Ва лекин меҳнатим сенга суяндим.
Ватан, сенинг номинг, ўзингсан қутлуғ,
Мен фарзанд фақатки сени деб ёндим.

13

Асрий бир орзуга айланган эдинг,
Буюк боболардан қолган, эй, мерос.
Мана, юртимизга сен яна келдинг,
Эркин бу калбларга солиб эҳтирос.

14

Аста-аста исийди кунлар.
Аста-аста эрийди қорлар.
Елкасида офтобни кўрар,
Асли ўзи қуёшга зорлар.

15

Аттангки. бу олам майхона эмас.
Биз билган мусулмон тўнғизни емас.
Май ичдик, тўнғизнинг гўштидан тўйдик.
Ирода берган зот "Хой, тўхта". демас.

1

Баджаҳл душманни мот қилсанг қай хол.
Ёрдам кўлингни чўз сен унга дархол.
Бу билан сен яна ғолиб бўлурсан,
Душманнинг қалби ҳам сендадир алхол.

2

Бахт ўзи нима. деб савол бергайман,
Жавобни файласуф чолдан сўрайман,
Тонгда мўйловимдан тортса неварам.
Бахт ўзи шул, дея тўлиб сўзлайман.

3

Бағримга туз сепди кўзларинг ёши,
Тилимга ёш таъми шўрдай туюлди.
Боласан, бир йиғлаб тўсагдан кулдинг,
Ҳайронман, ковоғинг нега уюлди.

4

Баҳор гулларидан тўпланганда бол,
Дастурхонимизни безайди асал.
Асал-чи, мен сизга тилайман иқбол,
Сиз халқим рамзисиз буюк бир тимсол.

5

Баҳорнинг тафтини ёмғирдан сўра,
Одамнинг афтимас. қалбига қара,
Ушбу иккисида адашсанг не бахт,
Охир окибатинг бўлмайди сара.

6

Бебурд ваъдасида ҳарф ҳам йўқ экан.
Ахмоқлар аслида лофдан тўқ экан.
Лоф доим оғизда. ваъда - вафода,
Ваъдабоз, лофчида инсоф йўқ экан.

7

Бехосдан қўлимга тушиб қолса пул,
Боладай қувондим тақдиримга кул.
Севгимдан қувондим топганим шул деб,
Фожиям. севгимни билмас экан гул.

8

Биз билан биргадир ҳаёт сирлари,
Ойнинг шуъласи-ю дилнинг меҳвари.
Ҳайратдан туғилар ҳар бир қатор шеър,
Сирларга тўладир замонлар бари.

9

Биз ҳамон қушларга ҳавас қиламиз,
Қушлар қанотидан узолмаймиз кўз,
Бизга тафаккурда учмоқ берилган,
Осмондан кутамиз доим ширин сўз.

10

Бир дардга минг даво излайди банда,
Бунга Оллоҳ кўкда уради ханда,
Минг бир дардга даво беришга кодир,
Ундай-да нечун у қилади канда.

11

Бир динни яҳудийлар қилишди зоҳид,
Бошқасин топганмиш қайбир мужоҳид.
Уларнинг ҳаммаси сендай жон эди,
Оллоҳдан ўзгага сиғинма, Маҳмуд.

12

Бир дўстим шахматда жуда ҳам уста,
Бошқаси ҳаётни билади пухта,
Баъзида иккиси от суришади.
Бири шахматда мот, бири ҳаётда.

13

Бир жойда биз бефарқ ҳаёт жомига,
Бошқа жойда тортар у ўз комига,
Аммо биз билмаймиз қайси бир пайти
Ҳамду сано айтиш керак шаънига.

14

Бир кун хуноб бўлдим – фарзандлар сабаб,
Алар қилмишидан бағримдир кабоб.
Ўйлаб ҳам кўрмабман, қачондир мен ҳам,
Кимнингдир кўксини қилганман селоб.

15

Бир кунга бир коса шўрва бўлса бас,
Кўнгилда сўнмайди туғма бу ҳавас,
Қийини кўнгилни бошқармоқ азал,
Бошқарсанг хос бўлдинг, аксида бир хас.

16

Бир куни айш чоғи айладим савол,
“Васлингга етдимми, эй соҳиб жамол?”
Кўзлар бир чарақлаб, қимтинди лаблар,
Бошқа ўн бешига айланди ҳилол.

17

Бир куни биз учун куйилган шароб
Тўкилди, йиқилди қалбдаги меҳроб.
Шароб ҳам, меҳроб ҳам насиб этмади,
Кетиб бораяпмиз, кўксимиз кабоб.

18

Бир куни бир чолга дедилар: ҳой, чол,
Сен нега ғамгинсан, оғирми, аҳвол?
Чол ғамгин кулди-да, осмонга қараб,
Маъюс кўзи билан ёғдирди савол.

19

Бир замон борардим тун-бакун саёқ,
Қаршимдан ит чикди. копмок иштиёқ.
Тавроту Инжилу Қуръон ўқидим,
Қонди ул. кўлимда йўқ эди таёқ.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/2607> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/2607> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2607>